

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 339.138:636.933(575.1)

**Ахмедов Икром Акрамович**

**Қоракўлчиликда маркетинг тадқиқотлари**  
(Ўзбекистон Республикаси материаллари асосида)

**Ихтисослик - 08.00.13 «Маркетинг»**

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун  
диссертация**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2001**

339.13 (043.3)

А

Диссертация Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг  
«Маркетинг ва ташқи иқтисодий фаолият» кафедрасида  
бажарилиди.

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Жамол Жалолович Жалолов**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Нуриддин Қурбонович Йўлдошев**  
иқтисод фанлари номзоди, доцент  
**Нишанбай Сирахиддинов**

**Етакчи муассаса:** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва  
сув хўжалиги Вазирлиги

Диссертация 2002 йил «10 иқтисод соат 200 да Тошкент  
Давлат Иқтисодиёт Университети ҳузуридаги иқтисод фанлари  
доктори илмий даражаси ҳимояси бўйича ихтисослашган  
Д 067.06.01 кенгашда ҳимоя қилинади.

**Манзил:** 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ қўчаси,  
49-йи.

Диссертация билан Тошкент Давлат Иқтисодиёт  
Университетининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2001 йилнинг «7 фекарх да тарқатиленди.

Ихтисослашган кенгаш илмий  
котибаси, иқтисод фанлари  
доктори, профессор

М.С.Косимова М.С.Косимова

## **Илмий ишнинг умумий тавсифи**

**Тадқиқотнинг долзарбилиги.** Ўзбекистон Республикасининг ижти-моий йўналтирилган бозор иқтисодиётiga босқич ўтишга асосланган ҳозирги сиёсати, хўжалик субъектлари ва тармоқлари фаолиятини самарали ташкил қилиш ва тармоқлардаги иқтисодий муносабатларни бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Истеъмолчилар ва маҳсулот етказиб берувчилар орасидаги муносабатларни бозор тамойиллари асосида амалга ошириш биринчи навбатдаги масалага айланди. Чунки бугунги кўп укладли иқтисодиётни шаклланиши даврида юз бераётган жараёнлар, шу тизим моҳиятига мос келувчи усулларни ишлаб чиқишини талаб қиласди. Иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида тартибга солишининг бугунги босқичида тўғридан - тўғри товар ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш, сотиш стратегиясини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлиб, у қишлоқ хўжалиги учун ҳам тегишилдири. «Бутун иқтисодий ўзгаришларнинг якуни, барқарорлик ва ҳалқ фарновонлиги кўп жиҳатдан туб ўзгаришлар жараёнлари аграр секторни қанчалик қамраб олишига, қишлоқда ислоҳотлар қанчалик чуқур боришига боғлиқ бўлади»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон агросаноат мажмууда олиб борилаётган тарқибий ўзгаришларда, чорвачиликнинг муҳим тармоги бўлган қоракўлчilik алоҳида аҳамиятта ва ўзига хос хусусиятга эгадир.

Қоракўлчilikнинг асосий маҳсулоти - қоракўл терилари жаҳон бозорида ҳам ўз харидорига эга бўлиб, у мўйна аукционида бошқа төварлар билан рақобатлаша оладиган маҳсулот ҳисобланади. Республикада 1995 - 2000 йиллар давомида ўртacha ҳар йили 1,1 млн. дона қоракўл тери, 22 минг тонна дагал жун, 62 минг тоннага яқин қўй гўшти ва бошқа қоракўлчilik маҳсулотлари етиширилган. Мамалакатимиз Марказий Осиё давлатлари орасида энг йирик қоракўлчilik маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи республика бўлиши билан бирга, бу соҳа иқтисодий

салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш асосий муаммолардан бўлиб қолмоқда. Тармоқда асосий маҳсулотларнинг танинхархи ошиб бормоқда, маҳсулот сифати дунё бозори талаблари даражасида эмас. Бу ҳолат ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб, жаҳон бозорига чиқиш имкониятларини пасайтирум олади.

Юқорида санаб ўтилган омиллар қоракўлчиликда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш ва шу орқали тармоқ самарадорлигини ошириш муаммосини катта аҳамиятта эга эканлигини белгилаб беради.

Қоракўлчиликда маркетинг тадқиқотлари - бу тармоқ маҳсулотларига бўлган талаб ва таклиф, ишлаб чиқариш ва сотиш, баҳо ва товар сиёсати, истеъмолчилар ва уларнинг хулқ-автори тўғрисида аҳборотлар йиғиши, уларни таҳдил қилиши ва қарорлар қабул қилишдан иборат. Бугунги кунда қоракўлчилик хўжаликлари фаолиятини ўрганиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш айнан маркетинг тадқиқотлари олиб боришни талаб қиласи. Шунинг учун қоракўлчиликда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш усуллари ва асосий йўналишларини аниқлаш, унинг тармоқ самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини тадқиқ этиш мухим назарий ва амалий муаммодир.

**Муаммони ўрганилиши даражаси.** Маркетинг масалаларига Г.Г.Абрамишвили, И.Ансофф, Д.И.Баркан, П.С.Завъялов, Ф.Котлер, Р.Б.Ноздерёва, Х.Швальбе, Дж.Р.Эванс ва бошқа хорижлик олимларнинг илмий ишлари багишланган.

Республикамиз иқтисодчиларидан маркетинг муаммолари билан С.С.Гуломов, А.Ш.Бекмуродов, П.Ҳ.Носиров, М.А.Насритдинова, Ж.Ж.Жалолов, М.С.Қосимова, Н.Қ.Йўлдошев, Д.М.Муҳитдинов, Д.Қ.Ахмедов, С.А.Салимов, Х.Р.Раимов ва бошқалар маҳсус шугууланиб келмоқдалар. Қоракўлчилик тармогидаги мавжуд микроиктисодий жиҳатларни таҳдил қилишга Т.С.Молгабаев, Ф.Д.Жўраев, С.Муксимов,

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.:Ўзбекистон, 1997 йил, -202 бет.

А.Мұмінов, Т.Я.Нурумбетов ва бошқа күплаб иқтисодчиларнинг илмий ишлари бағишиланган.

Бирок, бу илмий ишларда қоракұлчилик ривожининг умумий муаммолари ёритилген. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу илмий ишларнинг асосий қисми маъмурӣ - буйруқбозлик иқтисодиёти амалда бўлган даврда олиб борилган. Шу сабабли қоракұлчилиқда маркетинг масалалари етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Бозор иқтисодиёти, яъни эркин рақобат пайдо бўлаётган, истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи орасидаги тўғридан - тўғри алоқалар кучаяётган шароитда маркетинг тадқиқотларининг аҳамияти ошиб бормоқда.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Диссертация ишининг мақсади қоракұлчилик тармоғи, хўжаликлари ва қоракұлчилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида маркетинг ва маркетинг тадқиқотлари тизимини шакллантириш, уларга амал қилиш услуги ва услубиятларини ишлаб чиқиш, шу орқали тармоқ ривожида маркетинг тадқиқотлари аҳамиятини кўрсатишидир.

Диссертацияда қўйилган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги назарий ва амалий хусусиятга эга бўлган вазифалар қўйилган ва ўзечимини топган.

- қоракұлчилиқда маркетинг тадқиқотларининг назарий асосларини ишлаб чиқиш асосида ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишни яхшилаш;

- қоракұлчилик тармоғи миқёсида маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш ва маркетинг самараదорлигини ошириш бўйича таҳлилий услуг ишлаб чиқиш;

- маркетинг тадқиқотлари асосида қоракұлчилик товарлари таркибини яхшилаш ва мувофиқлаштиришни амалга ошириш;

- маркетинг таҳлили асосида қоракұлчилик маҳсулотларини жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш йўлларини аниқлаш;

- қоракўлчилик маҳсулотлари қайта ишлаш корхоналарида маркетинг стратегияси ва тактикасини жаҳон андозаларига мос ҳолда шакллантиришнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш;
- республикада маркетинг тадқиқотлари асосида қоракўлчилик ривожининг 2010 йилгача бўлган истиқболини белгилаш.

**Тадқиқот предмети ва обьекти.** Тадқиқот предмети - бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида қоракўлчилик мажмуи тармоқлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизими ва уларни маркетинг тадқиқотларини қўллаш орқали такомиллаштириш ва давр талабларига мослаштиришдир.

Тадқиқот обьекти бўлиб, республикамиз қоракўлчилик мажмуига кирувчи хўжаликлар ва қайта ишлаш корхоналари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари.** Илмий тадқиқотнинг назарий услубий асослари бўлиб, узоқ ва яқин хорижлик, шунингдек республикамиз иқтисодчи олимлари ва мутахассисларининг бозор иқтисодиёти, шу жумладан маркетинг фаолияти бўйича маҳсус тадқиқотлари натижалари ва қоракўлчилик тармоги микроиктисодий ма-салаларини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий ишлар асос бўлиб хизмат қиласди. Қоракўлчиликда маркетинг ва маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш муаммоларини назарий асосларини яратишида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Президенти томонидан асослаб берилган ва ҳукумат томонидан амалга оширилаётган бозор иқтисодиётiga босқичма - босқич ўтиш сиёсатининг асосий тамоилилари манба бўлиб хизмат қиласди.

Илмий тадқиқотда таҳдилий, статистик, иқтисодий-математик, график, экспериментал, эксперт ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

#### **Диссертация ишининг илмий янгилиги:**

- қоракўлчилик соҳасида маркетинг фаолияти ва маркетинг тадқиқотлари услубларини қўллаш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

- қоракўлчилиқда маркетинг тадқиқотларини қўллашнинг назарий, амалий ва услубий масалаларини ҳал қилишнинг кенг қамровли тизимини ишлаб чиқиш бўйича услубий тавсиялар тайёрланган;
- соҳа самараадорлигини ошириш муаммосини маркетинг тадқиқотлари асосида амалий ва илмий жиҳатдан ҳал қилиш йўлари тадқиқ қилинган;
- қоракўлчилик маҳсулотлари рақобатбардошлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш услубияти такомиллаштирилган;
- қоракўлчиликнинг макро ва микро мухитини ўрганишда маркетинг тадқиқотларини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;
- қоракўлчилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш тартиби асослаб берилган;
- қоракўлчилик соҳаси ривожланишининг маркетинг стратегиясини белгилаш бўйича услубий тавсиялар тайёрланган.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.** Диссертациянинг амалий аҳамияти ва натижаларининг асосланганлиги ҳамда ишончлилиги Ўзбекистон Республикасида юритилаёттан иқтисодий сиёсатта тўлиқ мос келиши билан белгиланади. Диссертация ишининг асосий натижалари, хуроса ва тавсиялари республика қоракўлчилик тармогининг барча бўғинларида, «Қоракўл» компанияси фаолиятида, вилоятлар қоракўлчилик бошқармаларида, қоракўлчилик хўжаликлари ва қоракўл маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда қўлланилмоқда.

**Тадқиқот натижаларини синаш ва жорий қилиш.** Диссертация тадқиқотларининг асосий мазмуни, хуросалар ва тавсиялари 1997 йилда ТошДИУда ўтказилган «Бозор иқтисодиётига ўтиш даври маркетинги» мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманда, 1998 йилда ўтказилган «Миллий иқтисодиёт ислоҳотлари даврида маркетинг» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуманда, 1998 йилда Фарғона Давлат университетида, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида, Бозор ислоҳотлари илмий тадқиқот институтидаги, 2000 йилда Тошкент Давлат аграр университети ва Республика макроиктисодий ва ижтимоий

ислоҳотлар институтидаги семинарларда маъруза қилинган ва ижобий баҳоланган. Бундан ташқари Амир Темурнинг 660 йиллигига багишланган ёш олимлар 2 - республика илмий конференциясида ҳам илмий иш натижалари бўйича маъруза қилинган. Маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, маркетинг хизматини ташкил қилиш бўйича тавсиялар республика «Қоракўл» компанияси фаолиятида жорий қилинган. Илмий иш натижалари бўйича Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига, «Қоракўл» компаниясининг вилоятлардаги бошқармаларига матъумотномалар топширилган ва амалиётта жорий этиш учун қабул қилинган.

**Нашр қилинган илмий ишлар.** Илмий тадқиқот натижалари юзасидан 8,8 б.т. ҳажмидан иборат 12 та илмий иш чоп этилган.

**Илмий ишнинг таркиби.** Диссертация кириш, учта боб, хуроса, илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарбилиги, ўрганилганлик даражаси, мақсади, амалий аҳамияти ва унинг янгилик томонлари очиб берилган.

Диссертация ишининг биринчи бобида маркетингнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги роли, маркетинг тадқиқотларининг услубий асослари ва қоракўлчилиқда маркетинг тадқиқотлари усулларининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Ишнинг иккинчи боби қоракўлчилик соҳасининг бутунги ҳолати ва ривожи, тармоқ маҳсулотларига бўлган талаб ва таклиф, соҳа фаолиятини маркетинг тадқиқотлари асосида таҳдил қилишга багишланган. Бу бобни ёритишида маркетинг тадқиқотлари натижаларига таяниб, амалиёт кўрсаткичлари асосида қоракўлчилик рентабеллиги, ишлаб чиқариш фонdlари ва тармоқ рентабеллигини ошириш йўллари кўрсатилган. Шунингдек, тармоқ маҳсулотлари рақобатбардошлигини аниқлаш ва уни ошириш ҳамда тармоқда рақобатбардошлик муҳитини яратиш йўллари белгиланган.

Ишнинг учинчи боби қоракўлчилиқда маркетинг тадқиқотларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларига багишланган бўлиб бу

бобда қоракұлчилиқда товарлар таркибини мұкаммаллаштириш маркетинг тәдқиқотлари ечимларидан бири сифатида қараптап да бу аниқ ҳисоб - китоблар орқали маҳсулотларни қайта ишлеш корхоналаридан маркетинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш ва унинг аҳамиятини, республикада қоракұлчилик ривожланиши ва тармоқ товарлари ракоғатбардошлигини оширишнинг истиқболлари маркетинг тәдқиқотлари ёрдамида аниқланган. Қоракұлчиликнинг ривожланиш тенденцияси ва омилларини истиқболлаш илгор хұжалик күрсаткыштарини бутун республика учун асос қилиш усули билан амалга оширилган.

Ишнинг хулоса қисмида қоракұлчилик соңасини маркетинг тәдқиқотлари асосида ривожлантиришга оид мұхым хулоса ва тавсиялар баён қилинган.

### **Диссертация ишининг асосий мазмуну.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қылган маъруzasида: «Биз доимо ҳамма даражада маркетинг тәдқиқотларини ташкил этиш билан жиғдій шугулланиш зарурлигини таъкидлаймиз. Бироқ бу соңада амалда жуда оз иш қилинмоқда. Ички ва ташқи бозорларнинг тараққиёт тамойилларини яхши билмаслик натижасида корхоналар, қўйингки, бутун мамлакат катта зарар кўрмоқда»<sup>1</sup> деган эди.<sup>1</sup> Ҳар бир соңада бўлгани каби чорвачилиқда ҳам бозор иқтисодиётига босқичма - босқич ўтиш ўз самарасини бермоқда. Чорвачиликнинг мұхим тармоқларидан бири бўлган қоракұлчилик мамлакатимиз иқтисодиётида ўзига хос салмоққа ва хусусиятта эгадир. Айниқса унинг асосий маҳсулоти қоракұл терилари ўзининг истеъмол хусусияти билан алоҳида аҳамиятга эга. Лекин кейинги йилларда Республикада қоракұлчилик ривожида йилдан - йилга қўйлар, етиштирилаётган терилар сони, жун ва гўшт миқдори камайиб бориши

<sup>1</sup> «Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг 1998 йилги якунлари ва 1999 йида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг мұхим устивор йўналшлари». Тошкент оқшоми газетаси. № 19, 1999 йил 17 феврал.

күзатылмоқда. Айникса, қоракұл терининг жағон бозоридаги мавқиеигіннің сифатини ёмоналашғанлығы салбый таъсир құрсатмоқда. Юқорида қайд әтиб үтилған жиҳатлар қоракұлчилік ривожида маркетинг тадқиқотларининг ақамиятини белгилаб беради ва бу соңда маркетинг тадқиқотлари усулларини құлмаш орқали тармоқ самарадорлигини ошириш муаммоси келиб чиқади.

Маркетинг тадқиқотлари маркетинг фаолиятининг мұхим тизимиدير. Маркетинг тадқиқотлари товарлар ва хизматлар бозорида талабға таъсир қылувчи барча омилларни таҳлил қилишдір.

Булар жумласига: ишлаб чиқаришни, сотишни, товарни, рақобатни, рекламани тадқиқ қилиш ва иқтисодий, мотивациян таҳлил қилиш ва бошқалар киради.

Маркетинг тадқиқотлари үзининг маълум усул ва услубиятлары асосида бажарилади. У қоракұлчилікда күйидеги босқичларни үз ичига олади:

- тадқиқоттар үтказып зарурлигини асослаш;
- бу заруриятты талаб қылувчи омилларни таҳлил қилиш ва муаммони шакллантириш;
- тадқиқот мақсадини анықлаш;
- эксперимент режасини тузып ва таҳлил асосида текшириб қўриш;
- маълумотларни йигиши;
- маълумотларни тизимлаштириш ва таҳлил қилиш;
- натижаларни интерпретациялаш, хулоса ва тавсияларни ишлаб чиқиши;
- тадқиқот натижаларини жамлаштириш, маъруза тайёрлаш ва тақдим этиши;
- тадқиқот хулосалари асосида күрилған тадбир ва чоралар, натижаларни баҳолаш, яғни «тескари алоқа» ни ўрганиш.

Қоракұлчилікда маркетинг тадқиқотларининг үзиге хос хусусиятлари товар ишлаб чиқариш, маҳсулотларни навларга ажратиши,


баҳолаш, сотиш, товарларни ташиш ва сақлаш, истеъмол қилиш кабилардаги ўзига хослиги билан белгиланади.

Қоракўлчиликда маркетинг тадқиқотларининг самараадорлиги унинг маҳсулотлари билан аҳолининг эҳтиёжини тўлиқ, таъминлаш ва бунда ишлаб чиқариш харажатларини минималлаштириш билан боғлиқdir. Бунда эҳтиёжни қондирилиши қанча харажат эвазига амалга оширилиши таҳдил этилади. 2000 йилда Республикаизда қоракўл қўйлари 3,4 млн. бошни ташкил қилган. Уларнинг 60% она қўйлар, 20% қўзилар, 5% қўчкорлар, 15% қари (яъни 5-6 ёндан ошган) қўйларни ташкил қилган.

80 - йилларнинг ўрталарида Марказий Осиё республикалари йилига 6 млн.га яқин қоракўл тери ишлаб чиқарар эдилар. Масалан: 1985 йилда Қозогистонда - 2108 минг, Ўзбекистонда - 2294 минг, Туркманистанда - 900 минг, Тожикистанда 300 минг, Россия (Қолмиқ А.Р.)да - 200 минг дона қоракўл тери етказиб берилган. Бироқ, кейинги 10 йилликларда бу соҳага бўлган эътиборнинг камайиши сабабли бу кўрсаткич бир мунча камайди. 2000 йилда Қозогистонда - 1020 минг, Ўзбекистонда - 878 минг, Туркманистанда - 287 минг, Тожикистанда - 120 минг, Россияда - 89 минг дона қоракўл тери ишлаб чиқарилган. Ўзбекистон жаҳон бозорига қоракўл тери экспорт қилювчи мамлакатлардан биридир. Қоракўл териларини республикамиз асосан Санкт-Петербургда бир йилда уч марта ўтказиладиган мўйна аукционида сотади. Асосий харидорлар - Германия, Италия, Франция, Англия ва Скандинавия мамлакатларидир. Куйидаги диаграммаларда қоракўл териларини сотишдаги ва истеъмолдаги мамлакатлар ҳиссаси, шунингдек Санкт-Петербургдаги халкаро аукцион баҳолари динамикаси келтирилган (1, 2 ва 3-расмлар).

Қоракўлчиликда маркетинг тадқиқотлари хусусиятларидан бири тармоққа чет эл инвестициясини жалб қилиш билан узвий боғлиқdir. Бунинг учун инвестициялар қаерлардан келиши, қайси соҳаларга киритилиши таҳдил қилинмоги лозим. Бутунги кунда тармоқда ўзбек-грек «Бухоро-Омега-Фурс» қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. У Бухородаги қоракўл терини қайта ишловчи завод қошида ташкил

қилинган бўлиб, тайёр маҳсулот тикишга ихтисослашган. Ҳозирда республикамиизда 107 та маҳсус қоракўлчилик ва 12 та бўрдоқичилик хўжаликлари мавжуд.



1-расм. Қоракўл терини сотишдаги  
мамлакатлар ҳиссаси,  
2000 йилда, % ҳисобида.<sup>1</sup>

2-расм. Қоракўл тери истеъмолидаги  
мамлакатлар ҳиссаси,  
2000 йилда, % ҳисобида.<sup>2</sup>


2000 йил якунига кўра фаолияти таҳлил қилинган 81 хўжалиқдан 24,9% зарар билан, 48,8% жуда паст рентабелли, 16,8% рентабелли ва фақатнина 10,5% оптимал рентабелли бўлган. Биз маркетинг тадқиқотларимизда хўжаликларни чўл, чала чўл ва тоғ оди сегментларига ажратиб олдик. Чўл сегментида қоракўл тери етиштириш, наслли қўзилар сотиш ва гўшт етиштириш рентабеллидир. Чала чўл ва тоғ оди сегментида гўшт етиштириш 39 хўжалиқда, наслли қўзилар сотиш 34, жун етиштириш 32 хўжалиқда рентабеллидир, қоракўл тери етиштириш 51 хўжалиқдан 25 тасида зарарлидир. Шунинг учун чала чўл сегментидаги хўжаликларни гўшт етиштиришга ихтисослаштириш зарур. Маркетинг тадқиқотларининг кўрсатишича чўл сегментидаги хўжаликлар учун

<sup>1</sup> Манба: Республика «Қарокўл» компанияси ҳисоботи.

<sup>2</sup> Манба: Республика «Қарокўл» компанияси ҳисоботи.

қоракүл тери ишлаб чиқариш, наслли моллар сотиш ва қўй гўшти етказиш рентабеллидир.

Чала чўл ва төғ олди сегментида 39 хўжалиқда қўй гўшти етказиш, 34 хўжалиқда наслли мол сотиш ва 34 хўжалиқда дағал жун етказиш фойдалидир. Шу сегментдаги 51 хўжалиқдан 25 тасида қоракүл ишлаб чиқариш зарарли бўлса, 32 хўжалиқда рентабелли. Шу сабабли чала чўл ва айниқса төғ олди хўжаликлари ихтисослашишини қайта кўриб чиқиб, уларни қўй гўшти ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш лозим.




З-расм. Қоракүл териларининг аукциондаги баҳолари  
(АҚШ долларида).<sup>1</sup>

Қоракүлчилик маҳсулотларига бўлган талаб кўп жиҳатдан уларнинг ассортименти ва сифатига борлиқ. Кийидаги 4- ва 5- расмда ўзбек қоракүлининг ассортименти ва сифат кўрсаткичлари келтирилган


Қоракүлчилик ривожини маркетинг таҳдили, соҳада ишлаб чиқариш фондларининг самарали таркибини шакллантиришdir. Бунинг учун ички ва ташки бозор сигими таҳлил қилинмоғи лозим. 1966 - 2000 йиллар ичida Республикада ихтисослаштирилган қоракүлчилик хўжаликлари 54 тадан

<sup>1</sup> Манба: Республика «Қоракў» компанияси ҳисоботи.

107 та га кўпайган. Кўйлар сони 32% га ошган. Лекин она кўйларнинг сурув таркибидаги улуши 62,1% дан 55,7% гача, харажатларнинг ўз-ўзини қоплаши эса 76,2% га пасайган.



4 - расм. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган қоракўл териларининг ассортимент бўйича ўзгариш динамикаси.<sup>1</sup>



5- расм. Ўзбекистонда сотилган 1 - навли қоракўл териларининг ўзгариш динамикаси.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Манба: Республика «Қоракўл» компанияси ҳисоботи.

<sup>2</sup> Манба: Республика «Қоракўл» компанияси ҳисоботи.

Қоракұлчилік маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ҳозирғи күннинг мұхим талабидір. Бунинг учун, аввало маркетинг тадқиқотлари қоракұлчилік хұжаликларыда селекция ишларига, пода таркибида она құйлар улушини оширишта, қоракұлчилік маҳсулотларини бирламчи қайта ишлешігі қартилмоги лозим. Кейинги ҳолат эса қоракұл териларини қайта ишлешігі болғынан. Қоракұлчилік хұжаликлары маҳсулотлари рақобатбардошлигининг эң мұхим йұналиши - бу маҳаллій юқори маҳсулдор құйлар зотини яратыпты.

Товар рақобатбардошлигининг мұхим мезонларидан бири маҳсулот сифати ҳисобланади. Маҳсулот сифатини аниқлашда харидор фикрини билиш, унинг хұлқ-авторини тәдқиқ этиш мұхим ақамият қасб этади. Маркетологнинг вазифаси тәдқиқот үтказында фирма міжозларини товарни ташқи күріниши, фойдаланиш хусусиятлари, сифати ва бағоси бүйіча талабға жавоб берадиган товарлар билан таъминлашып ҳам зәтибор бериштір. Товар албатта эң арзон бўлиши ёки аксинча эң қиммат бўлиши керак эмас. Ҳар бир товар ўзининг «қаттиқ» ва «юмшоқ» параметрларига эга. Маркетинг тәдқиқотлари шу параметрлар асосида олиб борилади.

Маълум таҳлил асосида сур - олмос рангли, ясси 1 навли( $P_1$ ) соғ қоракұл терининг рақобатбардошлиқ даражаси ҳисоблаб чиқылған. Нусха-этalon сифатида шундай рангдаги ва навли-қовурғасимон 1 навли( $P'_1$ ) тери олинған ва параметрик индекси ( $J_1$ ) ҳисобланған.

Маълумотлар асосида умумий параметрик индексини аниқлаш мүмкін.

$$J_p = \frac{\sum J_i}{n} = 1, 26 \quad (1)$$

Бу ерда:  $n$  - параметрик күрсаткыштар сони.

Харидорнинг қоракұл тери истеъмол хусусиятларидан қониқиши даражаси бағосини, фоиз ҳисобида ҳар бир параметр хажмини ҳисобға олиб, умумий параметр индекси асосида аниқтаймиз.

Бир дона ясси 1 навдаги қоракұл тери қиймати 5551 сүм, қовурғасимон 1 навдаги қоракұл тери қиймати 5507 сүмни ташкил қиласы. Умумий параметрик индекс:

$$I_j = C_j / C_j^* = 1.08 \quad (2)$$

Бу ерда:  $C_j$  - бир дона ясси 1- навдаги қоракұл тери қиймати;  $C_j^*$  - бир дона қовурғасимон 1- навдаги қоракұл тери қиймати.

Бу индекслар асосида рақобатбардошликтин умумий күрсаткичини ҳисоблаймиз ва у 1,16 ни ташкил қиласы.

Ясси 1 қоракұл терисининг юқорида күриш чиқылған усул буйича рақобатбардошликтар даражасини ҳисоблаш шуны күрсатады, бу товар нусха - эталон товарға нисбатан рақобатбардошироқ, аммо бизнинг товаримиз ва бозоримизнинг хусусиятлардан келиб чиқып, рақобатбардошликтар даражасини бақолашни күйидегиче ҳисоблашни мақсадға мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

$$K = I_j / J_p = 0,85 \quad (3)$$

Шундай қилиб коэффициенті 1-дан кичик бўлгани учун ясси 1- навли қоракұл тери рақобатбардошлиги қовурғасимон 1- навига нисбатан қониқарсизdir. Бу ҳол ҳозирги вақтда ички бозорда ҳам МДҲ бозорида ҳам истеъмолчилар паст тўлов қобилиятига эга бўлганликлари ва шу сабабли биринчи ўринга техник параметрлар эмас, балки иқтисодий параметрлар чиқиши билан асосланади.

Қоракұлчилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар фаолиятини маркетинг асосида тадқиқ қилиш ўзига хос хусусиятта эга. Бунда қайта ишлаш корхоналарининг жойлашган ўрни алоҳида таҳлил этилади. Тармоқнинг асосий маҳсулоти бўлмиш қоракұл териларини қайта ишлаш заводи Бухоро шаҳрида жойлашган. Завод бир йилда 1300 минг донағача қоракұл терини қайта ишлаш қувватига эга. Шу сабабли тармоқ маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида маркетинг стратегияси ва тактикасини тадқиқ қилишни айнан шу завод мисолида кўриб чиқамиз.

Корхонада маркетинг стратегик режаси 5 - 10 йилга мўлжаллаб ишлаб чиқылади. Маркетинг тадқиқоти республика қоракұл

маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари учун қуидаги йўналишларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- товар ҳаракатини таъминлаш;
- реклама фаолиятини таъминлаш;
- баҳо сиёсатини ишлаб чиқиш;
- товарнинг ҳаётийлик даври босқичларини эътиборга олиш.

Бугунги кунда кўплаб корхоналарда молиявий маблағларнинг етишмаслиги кузатилмоқда. Айнан шу шароит учун биз корхона стратегиясининг ўзгартириши мумкин бўлган йўналишлар тавсифини ишлаб чиқишига ҳаракат қилдик.

Маркетинг тадқиқотларига асосланиб биз ўз олдимизга нафақат трендили (ялпи тенденция) истиқболларини олиш, шу билан бирга ишлаб чиқариш

функцияларини ҳисоблаш асосида Ўзбекистоннинг қоракўлчилик тармоғида ялпи ва товар маҳсулот даражасини, қўзи олиш, жун қирқиб олиш истиқболини аниқлашни мақсад қилиб қўйдик. Истиқболлашга таъсир қилувчи омилларни танлаш механик йўл билан эмас, балки итерацион танлов деб аталувчи маркетинг тадқиқоти усули билан амалга оширилган. Шу асосида кўп омилли регрессия тенгликлари ёрдамида тармоқнинг 2010 йилгача бўлган ривожланиш истиқболи ҳисобланди.

Қўйларни гўштта топшириш меъёрининг бузулиши, бозор талабларини тўлиқ ҳисобга олмаслик каби салбий ҳолатлар натижасида пода таркибидағи она қўйлар улуши йилдан - йилга камайиб борди, шунинг учун республика қоракўлчилик хўжаликларида она қўйлар улуши истиқболлаш натижалари бўйича 2005 - йилда 39,5% гача, 2010 - йилда 30,9% камайиши кузатилмоқда. Бу илмий асосланган зоотехник меъёrlаридан 44,0 - 49,0% га камдир. Бундай шароитда тармоқнинг интенсив ривожини таъминлаш мумкин эмас.


Маркетинг тадқиқотларини мукаммалаштириш иқтисодий ўсишнинг интенсивлаштириш жабҳаларини ҳам ўз ичига олмоғи лозим. Қоракўлчиликни интенсификациялашнинг бош омиларидан бири қоракўл қўйларини ем - хашак ишлаб чиқаришни интенсификациялаш

асосида кафолатланган ем - хашак базаси билан таъминлашдир. Ем - хашак билан таъминлашдаги вужудга келган тенденция 2010 йилга келиб 53,8% ни ташкил қиласиди.

Маркетинг тадқиқотлари хуносасига кўра айрим хўжаликларда масалан, «Шофирикон» хўжалигида қоракўчлилик технологиясини такомиллаштириш, меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг илфор усулларидан фойдаланиш, фермерлик ва ижара муносабатларига катта эътибор бериш, маркетинг тизимидан унумли фойдаланиш натижасида 1996-2000 йиллар ичида бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган меҳнат харажатлари бошқа хўжаликларга нисбатан 50,0 - 73,5% кам бўлишига эришилди. Натижада хўжалиқда республика бўйича энг юқори меҳнат унумдорлигига (бир чўпонга тўғри келувчи ялпи маҳсулот) эришилди. Шунинг натижасида хўжалик қоракўчлилик маҳсулотлари бир-бирлигига қилинадиган моддий пул харажатларини қисқартиришга эришган. Хўжалиқда кейинги 5 йилда ўргача 1 дона қоракўл тери таннархи бошқа хўжаликларга нисбатан 39,5 % га камни ташкил қиласиди, 1ц. жун бўйича - 15,7% ни ва 1 ц. тирик вазн ўсиши бўйича 47,5 % ни ташкил қиласиди. Охир оқибатда хўжалиқда қоракўчлилик рентабеллик даражаси 35-40% ни ташкил қиласиди. Шу сабабли тармоқ ривожини айнан «Шофирикон» хўжалиги кўрсаткичлари асосида истиқболлаш амалга оширилди.

Тармоқ ривожини 2010 йилгача бўлган даврга маркетинг тадқиқотларига асосан истиқболлаш, агар қоракўчлилик 1998 йилда зарар билан (- 6,76%) чиқсан бўлса, 2010 йилда унинг рентабеллилiği 35,8% ни ташкил қилишини кўрсатди. Бу кўрсаткичга эришиш учун республика кўламида, агросаноат комплексининг иқтисодий кучли бўгини сифатида мамлакат хазинасига маълум миқдорда валюта маблаглари олиб келувчи соҳа сифатида, қоракўчлиликни тезроқ бозор иқтисодиётига ўтказиш учун тармоқ ривожига энг қулай шароитлар яратиш ва шу орқали тармоқ ривожини жадаллаштиришни таъминлаш лозим. Умуман республикада

қоракўлчиллик самарадорлигини ошириш, тармоқда хўжалик юритишини бозор талабларига мослаштириш орқали вужудга келтириш мумкин.



6 - расм. Узбекистонда қоракўлчиллик ривожи кўрсаткичларининг 2010 йилгача бўлган истиқболи.<sup>1</sup>

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда маркетинг тадқиқотларини мукаммалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Буни диссертацияда ўз аксини топган маркетинг тадқиқоти натижалари ва хуносалари ҳам кўрсатади. Шундай қилиб, республика қоракўлчилиги тармоғи самарадорлигини юксалтириш учун маркетинг тадқиқотларидан келиб чиқдан ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалга оширмоқ лозим:

- қоракўлчиллик хўжаликларини маркетинг фаолияти доирасига, тармоқ акциядорлар жамияти, тармоқ акциядорлар ишлаб чиқариш-савдо фирмалари орқали жалб қилиш, республикада ҳалқаро қоракўл аукциони ташкил этиш;
- хўжаликларни ҳалқаро аукцион ва республика ичидаги ярмаркаларга қатнашишини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш;
- ўзбек қоракўлини фақатгина Санкт-Петербургдаги ҳалқаро мўйна аукционидагина эмас, шу билан биргага Лондон ва Нью-Йорк ҳалқаро мўйна аукционларида, Франкфуртдаги мўйна ярмаркасида сотилишига

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ўтказилган маркетинг тадқиқотлари асосида тузилган.

эришиш, бунинг учун республикамизнинг хориж мамлакатларида жойлашган савдо ваколатхоналари, савдо уйлари ва элчихоналар имкониятидан фойдаланиш. Шунингдек республикамизда фаолият кўрсатаётган чет эл фирма ва компаниялари, элчихоналари учун реклама тадбирларини ташкил қилиш ва бунда барча самарали воситалардан фойдаланиш, баҳо сиёсатига алоҳида эътибор бериш;

- тармоққа хориж сармоясини кенг жалб қилиш, тайёр маҳсулот тайёрлаш бўйича қўшма корхоналар сонини кўпайтириш ва бунда ҳозир фаолият кўрсатаётган Ўзбек-грек «Бухаро-Омега-Фурс» қўшма корхонаси тажрибасидан унумли фойдаланиш, Бухоро қоракўл заводининг якка ҳокимлигини тутатиш;

- эришилган илгор маркетинг тажрибаси ва фан ютуқлари асосида наслчилик ишларини яхшилаш, бунда асосий эътиборни қоракўл терилари ҳажмининг ўсишига қаратиш;

- бозор сегментацияси ва «токчаси»(«нишаси»)га таянган ҳолда илмий асосланган товарлар таркибини шакллантириш, республика қоракўлчилик хўжаликларида пода таркибидаги она қўйлар улушкини 75% га етказиш;

- маркетинг тадқиқотлари асосида фондлардан фойдаланиш самара-дорлигини ошириш имкониятларини излаб топиш. Бунда ялпи маҳсулдор моллар улушкини чўл сегменти хўжаликларида 40% гача, чала чўл сегменти хўжаликларида 43% гача ва тоғ олди сегменти хўжаликларида 27% гача етказиш;

- маҳсулдор моллардан фойдаланишини муддатига риоя қилиш, асосий фондларни янгилаш учун, унинг фаол қисмига янги капитал қўйилмалар улуси тоғ олди сегменти хўжаликларида 50 - 40%, чала чўл сегменти хўжаликларида 45 - 50%, чўл сегменти хўжаликларида 50 -55% ни ташкил қилиши, асосий фондларни айланма маблағлар билан таъминланганлик даражаси 1:0,5 бўлиши тавсия қилинади;

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан ўтказилган маркетинг тадқиқотлари асосида тузилган.

- Республика «Қоракўл» компаниясида маркетинг хизматини ташкил қилиш ва унинг асосий вазифаси қилиб ўзбек қоракўлчилик маҳсулотларига хорижда талабни шакллантириш ва рағбатлантириш тадбирлари эканлигини белгилаб бериш, қоракўлчиликнинг асосий бўлмаган маҳсулотларидан фойдаланишини такомиллаштириш ва уларга баҳо ўрнатиш сиёсатини тартибга солиш.

Диссертация мавзуси бўйича муаллиф томонидан куйидаги илмий ишлар напр этилган:

1. Қоракўлчилик: муаммолар ва ечимлар // Иқтисод ва ҳисобот, 1995 йил, 9 -сон. 0,3 б.т.
2. Реклама - бу санъат // Иқтисод ва ҳисобот, 1995 йил, 11-сон. 0,2 б.т.
3. «Маркетинг асослари» (ўқув қўлланма). Камалак нашриёти, 1996 йил, 3,5 б.т. (ҳаммуаллифликда).
4. Қишлоқ хўжалигида маркетингдан фойдаланишининг хориж тажрибаси. «Бозор иқтисодиётига ўтиш даври маркетинги» республика илмий-амалий анжуманининг илмий маъruzалар тўплами. ТДИУ, 1997 йил, 0,2 б.т.
5. Лицензиялаш - маркетинг стратегияси сифатида. Республика илмий - амалий анжуманининг илмий маъruzалар тўплами. ТДИУ, 1997 йил 0,2 б.т.
6. Маркетинг в экономике Узбекистана (в соавторстве). // Сельское хозяйство Узбекистана, 1997 г. № 1, 0,7 п.л.
7. Қоракўлчилик - истиқболли соҳа. // Иқтисод ва ҳисобот, 1998йил, 4 -сон. 0,4 б.т. (ҳаммуаллифликда).
8. Маркетинг тадқиқотлари. (Ўқув қўлланма), ФТДК «ДИТАФ» нашриёти, 1999 йил, 11,2 б.т. (ҳаммуаллифликда).
9. Роль каракуловодства в экспортноориентированной политике Республики Узбекистана. Тезисы научно - практической конференции «Интеграция Республики Узбекистана в мировое сообщество». ТГЭУ, 2000 г. 0,1 п.л.

10. Каракуль Узбекистана. Экономика и технология: Межвузовский сборник научных трудов. Вып. 12. Т. 2. - М. Изд-во РЭА им. Плеханова., 2001. 0,2 п.л.
11. Каракулеводство Узбекистана в условиях рынка. //Достижения науки и техники АПК Россия, 2001 г. №4. 0,2 п.л.
12. Проблемы каракулеводство в экспортноориентированной политике Республики Узбекистана. «Иқтисодий таълим: назария, тажриба, муаммолар ва истиқбол» ҳалқаро илмий - амалий анжуманинг маърузалар тўплами. ТДИУ, 2001 й. 0,1 б.т.

A handwritten signature in black ink, appearing to read "Хайдар".

**Основное содержание диссертационной работы на тему «Маркетинговые исследования в каракулеводстве»  
(на основе материалов Узбекистана)**

Маркетинговые исследования в отраслях национальной экономики, в частности каракулеводстве являются важнейшим условием определения приоритетных направлений и повышения эффективности их развития. В структурных преобразованиях АПК, в рамках животноводческих подкомплексов во многих регионах Узбекистана приоритетная роль принадлежит каракулеводству. Мировое признание имеет главная продукция каракульского овцеводства - каракуль. Каракуль - уникальнейший по потребительским свойствам товар, успешно конкурирующий на мировых пушно-меховых аукционах.

Целью диссертационной работы является комплексный подход к теоретическим, методологическим и практическим проблемам маркетинга, разработка механизма формирования и функционирования системы маркетинговых исследований в каракулеводстве, на основе этого определение основных направлений повышения рентабельности подкомплекса.

В диссертационной работе проведены следующие исследования теоретического и практического характера:

- теоретическое и методологическое обоснование необходимости проведения маркетинговых исследований в каракулеводстве;
- маркетинговый анализ состояния и развития каракулеводства;
- разработка механизма маркетингового анализа рентабельности в каракулеводстве;
- обоснованы пути повышения конкурентоспособности в каракулеводстве;
- разработан механизм маркетингового исследования формирования стратегии и тактики маркетинга на предприятиях, перерабатывающих продукты каракулеводства;
- на основе маркетинговых исследований обоснован прогноз развития каракулеводства до 2010 года.

Научная новизна диссертационного исследования заключается в комплексном подходе к теоретическим, методологическим и практическим проблемам маркетинговых исследований, разработке механизма их реализации в условиях формирования рыночных отношений в каракулеводстве.

На основе полученных результатов доказано, что в целях повышения рентабельности каракулеводства необходимо использование элементов маркетинга и формирование механизма реализации результатов маркетинговых исследований.

**The outline of dissertation work by I.Akhmedov**  
**"Marketing researches in astrakhan production**  
(Based on materials of Uzbekistan)

Marketing researches in sectors of national economy, particularly, in astrakhan fur, are the main condition of determining the priority areas and increasing effectiveness of their development. The important role in structural transformation of Uzbekistan's agriculture is taken by astrakhan production. Astrakhan fur as a main product of astrakhan production has the world's recognition. Astrakhan fur is the unique merchandise by its consumer characteristics and successfully competing on the world fur auctions.

The purpose of this dissertation is to use a complex approach to theoretical, methodological and practical problems of marketing and to create a mechanism of forming and functioning the astrakhan production industry's marketing research system and also processing firms of astrakhan production products and on this basis to determine the main ways of increasing sub - complex profitability.

In connection with it there were made following theoretical and practical researches:

- theoretical and methodological reasoning of necessity of marketing researches in astrakhan production;
- marketing analysis of situation and the development of this sector of agriculture;
- workout of marketing analysis mechanism of profitability in this sector;
- specified the ways of competitiveness increasing in it;
- proposed the mechanism of marketing research of forming the strategy and tactics of marketing in the firms processing the products of astrakhan production industry;
- on the basis of marketing researches the forecast is based for the development of astrakhan production till 2010.

Scientific innovation of this dissertation research is proposed to use a complex approach to theoretical, methodological and practical problems of marketing researches, to make the mechanism and its realization in conditions of forming of market relations in astrakhan production.

On the basis of the achieved results it's proved that for increasing of profitability of astrakhan production it is necessary to use the elements of marketing and forming of the mechanism of realization of marketing research.